

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС: ТАРИХИЙ ПОЙДЕВОР ВА ИСТИҚБОЛ.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14544760>

Муталиф Исройлов.

Гулистан давлат университети
“Тарих” кафедраси катта ўқитувчиси.

Аннотация: Мақолада Учинчи Ренессанснинг Ўзбекистон истиқболидаги аҳамияти кўрсатилган. Ўзбекистонда навбатдаги тарихий бурилиши учинчи Ренессанснинг пойдевори бўлиб хизмат қилаётган тарихий омиллар кўрсатилган. Учинчи ренессанс мустақил ўзбек давлатчилиги ва жамиятининг глобаллашув давридаги тарихий тараққиёт талабларига мослашии зарурати ўлароқ пайдо бўлган деган фикр илгари сурилган.

Калит сўзлар: Учинчи Ренессанс, тарихий омиллар, глобаллашув, Ўзбекистон, фуқаролик жамияти, мустақиллик.

Тарихчиларда “Тарихнинг ўқи” деган ибора мавжуд. Бу ибора тарихий тараққиётнинг туб бурилишига сабаб бўлган тарихий ҳодисалар: ислоҳотлар ва уларнинг таъсирида жамиятда юз берган туб сифат ўзгаришларга нисбатан қўлланилади.

Жаҳон тарихида мана шундай энг катта туб сифат ўзгаришларга сабаб бўлган воқеиликлардан бири, шубҳасиз – Ренессанс ҳодисаси ҳисобланади.

Аввало Ренессанс атамасини шарҳлаш мақсадга мувофиқ.

Ренессанс- луғавий французча “қайта туғилиш” деган маънони англатади. Атама сифатида унинг мазмуни анча кенг: маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради. Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассиблигидан кейин XV-XVI асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган. Ренессанс аталмиш мазкур ижтимоий ҳодиса ўзбек тилига Уйғониш даври деб ўгирилган¹.

Австриялик атоқли шарқшунос Адам Мецнинг 1909 йилда “Мусулмон Ренессанси” номли фундаментал асари чоп этилган. Шундан буён Ренессанс фақат Европага оид ҳодиса эмаслиги, уни Шарқ халқлари европаликларга нисбатан аввалроқ бошдан кечиргани тўғрисидаги қарашлар ва тадқиқотлар пайдо бўла бошлади. Россиялик буюк шарқшунос академик Н. Н. Конрад

¹ Фалсафа. Қомусий лугат. Т. Шарқ, 346-б.

Ренессанс VII — VIII асрларда Хитойда бошланиб, VIII асрда Ҳиндистонда давом этгани, ундан IX-XII асрларда ислом мамлакатлари эстафетани қабул қилгани, мўғул истилоси туфайли анча пасайиб қолган юксалиш Амир Темур ва темурийлар даврида яна қайта гуркураб ўсганини таъкидлайди. У Ўрта Шарқ Уйғониши даврини Алишер Навоий замонасигача чўзади. Жавоҳарлал Неру Бобурни ҳам Ренессанснинг типик вакили, деб баҳолаган эди.

Марказий Осиё, жумладан, бой шонли тарихга эга Ўзбекистон дастлаб мусулмон Шарқининг ренессанс марказларидан бири сифатида жаҳонда эътироф этилган. Она диёrimizning азалдан тарихий тараққиёт, жумладан, мусулмон Шарқида ва ҳозирда Марказий Осиёда ренессанс марказларидан эканлиги бежизга эмас албатта. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Бу сабаблар қўйдагилар:

Биринчидан, Ўзбекистон - минтақадаги энг кўп аҳоли яшайдиган давлат. Бу Марказий Осиёнинг барча собиқ совет республикалари аҳолисидан озгина камроқдир. Бу ҳолат минтақада Ўзбекистоннинг демог-рафик улуши анча катта эканлигини кўрсатади.

Минтақанинг қолган барча олти мамлакатидан фарқли ўлароқ Ўзбекистон бир хилм гомоген аҳоли таркибига эга. Бу ерда аҳолининг 85% ни титул миллат вакиллари ташкил этади. Бу ўтиш даври шароитида ички ҳамжиҳатликни таъминлашнинг муҳим омилидир.

Умуман олганда, ўзбеклар Марказий Осиёдаги энг кўп сонли миллат ҳисобланади. Ўзбекистондан ташқарида етти миллионга яқин ўзбек яшайди. Шулардан уч ярим миллиони Марказий Осиёнинг сабиқ совет республикаларида истиқомат қиласи. Бу мамлакатларнинг ҳар бири ўзбеклар ғуж бўлиб яшайдиган муайян ҳудудларга эга. Тожикистонда аҳолининг 25%, Қирғизистонда - 15%, Туркманистонда - 10%, Қозоғистонда - 3% га яқинини ўзбеклар ташкил этади.

Иккинчидан, Ўзбекистон, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидон фарқли ўлароқ, жаҳон миқёсидаги ёки минтақавий йирик давлатларнинг биронтаси билан ҳам бевосита чегарадош эмас. Геосиёсий нуқтаи назардан бу, шубҳасиз, муҳим устунликдир. Бошқа томондон, Ўзбекистон минтақанинг беш мамлакати билан умумий чегарага эга бўлган ягона давлат ҳисобланади. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида, қоқ марказида жойлашганлиги айнан шу ҳолат билан белгиланади.

Учинчидан, Марказий Осиёда қачондир мавжуд бўлган давлатчилик, фан, маданиятнинг ривожланишида сезиларли из қолдирган барча асосий давлат тузилмаларининг пойтахтлари ҳозирги Ўзбекистон худудида жойлашган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон Тошкент маданиятларининг

цивилизацион таъсири ўтмишда мамлакат ҳудудидан ташқарида ҳам жуда кучли бўлган. Бу шаҳарлар асрлар давомида Марказий Осиёда ва Евросиёнинг бошқа ҳудудларида ислом таълими, илоҳиёти ва диний раҳбариятининг марказлари бўлиб келган.

Юқоридаги тарихий омиллар, шубҳасиз Ўзбекистонда навбатдаги тарихий бурилиш учинчи Ренессанснинг пойдевори ҳисобланади. Ҳар икки Ренессанс даврида биз дунёниг илгор, мутараққий халқлари қаторида эдик. Агар яна шундай даражага эришмоқчи бўлсак, учинчи Ренессансни амалга ошироғимиз зарур. Қолаверса менталитетимиздаги бағрикенглик, меҳмондўстлик, муқаддас динимиздаги илмни, ижодни қадрлаш, меҳнатни улуғлаш фазилатлари учинчи Ренессансни самарадорлигини белгиловчи маънавий омил ва муҳит ҳисобланади.

Ўзбекистонни маълум бир вақт давом этган турғунликдан олиб чиқишдек долзарб тарихий миссияни амалга ошириш, ўз навбатида миллатни янада фаоллаштириш, илгор бунёдкорлик учун сафарбар этиш, ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш учун янгича энергия зарур бўлиб қолди. Даврнинг бундай чақириғи, давати ва заруратини англаған Ўзбекистон раҳбарияти жамиятнинг барча жабҳаларида туб сифат ўзгаришларни амалга оширишни бошлади. Дастреб Ҳаракатлар стратегиясидан бошланган бундай ислоҳотлар такомиллашиб, мантиқан учинчи Ренессанс деб ном олган тарихий жараён сифатида давом этмоқда. Навбатдаги Ренессанснинг истиқболи ва тарихий аҳамияти бекиёсdir.

Учинчи Ренессанс халқимиздаги пассионарлик, яъни, миллий ўзлик, бунёдкорлик, халқимизга хос ғайратшижоат, миллий консенус ва консолидациянинг навбатдаги юқори сифат босқичига ўтишини англатувчи тарихий ҳодиса. Учинчи ренессанс мустақил ўзбек давлатчилиги ва жамиятининг глобаллашув давридаги тарихий тараққиёт талабларига мослашиш зарурати ўлароқ пайдо бўлди. Бу ўз навбатида Ўзбекистоннинг энг янги тарихида, миллий тикланишдан миллий юксалишга томон қўйилган умумжамият доирасидаги катта тарихий аҳамиятга эга воқиелик бўлиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 30 сентябрь куни Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлиланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида яна бир бор таъкидлади: “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик.

Бу ҳақда гапирад эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмунини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чукур англаб олиши керак”².

Ушбу фикр давлат раҳбари томонидан чукурлаштирилиб, конкретлаштирилиб келинмоқда. Учинчи Ренессанс бу “Миллий тикланишдан – миллий юксалишга” деган бош ғояни ҳаётга тадбиқ этишнинг назарий-концептуал ва амалий кафолати сифатида келажак учун кенг қамровли туб ислоҳотлар ва ўзгаришларни режалаштирган ва тарихий тараққиётда том маънодаги Ренессансни амалга оширадиган миллатни бирлаштирувчи тарихий омилдир десак муболага бўлмайди.

Ш. Мирзиёев бу юксак тарихий миссия ҳақида шундай таъкидлайди: - “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”³.

Бу жумлалар бежизга эмас. Чунки бой тарихга эга жаҳон тарихида иккита ренессанснинг марказларидан бири бўлган Ўзбекистонда учинчи Ренессанс учун барча имкониятлар мавжудлигини юқорида қайд этиб ўтилди.

Мазкур тарихий туб бурилишга сабаб бўлувчи Ренессанс жамиятнинг барча жабҳаларида замонавий постиндустриал цивилизация талабларига мослашувчи, глобаллашув даврида Шарқ ва Фарбнинг илфор жиҳатларини уйғунлаштирувчи тарихий тараққиёт учун тўсқинлик қилувчи барча тўсиқларни бартараф этиш ва мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишда миллий сафарбарликни мустаҳкамламоқда.

Учинчи Ренессанс тўртинчи саноат инқилоби билан мувозий, бир вақтда кечади. Шу сабабдан у, аввало, технологик инқилобни, юксак ривожланган рақамили смарт (ақлли) иқтисодиётни тақозо қиласди. Ўз навбатида, рақамили, смарт иқтисодиётга ўтиш учун ишлаб чиқаришни босқичма-босқич модернизация қилиш, автоматлаштириш, роботлаштириш талаб этилади. Мазкур жараён Ўзбекистонда қандай босқичларда амалга оширилиши, унинг моддий-молиявий, инсоний, илмий ва илмий-технологик таъминоти бўйича истиқболли аниқ комплекс дастурлар янги Ренессанс ғояси билан мафкуравий жиҳатдан боғланиши шарт. Илмий, илмий-технологик таъминот тақозосидан келиб чиқиб, таълим-тарбия соҳасининг барча бўғинлари узлуксиз ислоҳ этиб борилиши керак⁴.

² Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик. (Олий Мажлисга Мурожаатномадан ва Ёшлар форумида сўзлаган нутқидан иқтибослар). – Тошкент: 2021, 10-бет.

³

⁴ Эркаев А. Янги Ўзбекистон: мўлжал-учинчи Ренессанс.Т. Маънавият. 2021,14-б.

Учинчи Ренессанс ғоясининг оралиқ босқич вазифалари аниқланиши керак. Масалан, 2030 йилда, 2040 — 2050 йилларда биз аҳоли жон бошига тахминан қанча ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарамиз, жаҳон рейтингида тахминан қандай ўринларга кўтарилишимиз. Таълим, маданият, илм-фан соҳаларида қандай қўрсаткичларни, марраларни забт этамиз. Улар бўйича мўлжаллар белгиланиши лозим. Шунда мазкур ғоянинг сафарбарлик таъсири конкрет ва қучли бўлади. Аммо мўлжаллар ҳавоий бўлмаслиги, конкрет рақамлардан ташкил топмаслиги керак. Янги АКТ, нанотехнологиялар, биотехнологиялар, сунъий интеллект яратиш ва шу каби йўналишлардаги вазифалар ҳам эътибордан четда қолмаслиги зарур⁵.

Энг муҳими учинчи Ренессанс мактабдан бошланиши яна ҳам қувонарли. Негаки тараққиётни бош омили бўлган инсон омили, яъни инсоннинг билими, маънавияти, ҳаётда тўғри йўл топа олиши, жамиятга эзгулик қила оладиган даражадаги етук шахс бўлишида мактабнинг ўрни бекиёс. Айнан мактабда маънавий-маърифий шакллана олган ёш авлод учинчи Ренессанс орзуидаги замонавий билимларни эгаллаган етук кадр бўла олади. Авлодлар маънавияти ва билимининг тобора ўсиб бориши бундан кейинги тараққиётни истиқболини белгилайди. Замонавий даврни биз қандай номлашимиздан (глобаллашув, ахборот асри, постиндустриал жамият) қатъий назар бу даврда таълим тизими ривожланган, маънавияти ва билими мустаҳкам авлодларга эгалик қиласиган давлатлар тараққиётни юқори поғонасидан жой олади. Ўзбекистон давлати ва жамияти даврнинг мана шундай зарурати ва чақириғига жавобан учинчи Ренессанс орқали мослашиб бориш стратегисини амалга ошироқда. Мазкур стратегияни муваффақиятли амалга ошириш фақатгина давлат институтига эмас, балки фуқаролаарнинг ўз-ўзини бошқариш органларига, шунингдек ҳар бир фуқарога жуда катта маъсулият юклайди.

⁵ Эркаев А. Янги Ўзбекистон: мўлжал-учинчи Ренессанс. Т. Маънавият. 2021, 16-б.